

«Uzagrolizing»

акциядорлик жамияти

Тошкент шаҳри, Абай кучаси 4а уй.
Х/р 20210000904021251001, АТБ «Агробанк» Тошкент шаҳар
бош амалиётлар бошқармаси, МФО 00394,
СТИР 203071206, ИФУТ 64910

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик ташкилоти: МЧЖ шаклидаги «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Манзили: Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Тинчлик МФЙ, Зиё кучаси 21-уй,
тел:998906104575, СТИР 207091226, ИФУТ 69202.

Банк реквизитлари: х/р 20208000204860788001, «Узсаноатқурилишбанк» Сирдарё вилоят ҳудудий филиали, МФО 00855.

Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 16 август куни аудиторлик фаолиятига берилган 00719 - ракамли лицензия.

Давлат руйхатидан утган: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 26 июл куни берилган 393 - ракамли гувоҳнома.

Аудиторлик ташкилоти бош директори Э.М.Шайзаков.

Аудиторлик текшируви аудиторлар Э.М.Шайзаков томонидан Уз.Р МВ томонидан 2009 йил 10 декабрда берилган № 04771 ракамли аудитор малака сертификатига, М.Ч.Синдаров томонидан Уз.Р МВ томонидан 2009 йил 14 июлда берилган № 04736 ракамли аудитор малака сертификатига асосан ўтказилди.

Биз «Uzagrolizing» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботи, пул оқимлари тугрисидаги ҳисоботи ва хусусий капитал тугрисидаги ҳисоботидан иборат 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Uzagrolizing» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «Uzagrolizing» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



«AVANTAJ-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти бош директори:

Аудитор:

Э.М.Шайзаков

М.Ч.Синдаров

« 05 » март 2018 йил